



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ ҲАРАКАТЛАРНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Исмаилов Аллаёр Рашидович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Корпоратив бошқарув кафедраси
PhD катта ўқитувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a38

Аннотация. Мақолада акциядорлик жамиятларида корпоратив ҳаракатларни баҳолаш амалиёти бўйича аниқланган камчиликлар ва муаммолар юзасидан корпоратив бошқарувнинг функционал сифатини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари ҳамда корпоратив бошқарув фаолияти самарадорлигининг иқтисодий-молиявий ва бозор фаолиятига таъсирини баҳолашнинг методологик ёндашуви тавсия этилган.

Таянч тушунчалар: корпоратив ҳаракатларни баҳолаш, корпоратив бошқарув индекси, директорлар кенгаси таркиби, кенгас ҳажми, молиявий шаффоффлик ва ташқи назорат, ҳисобдорлик, акциядорлар хукуқлари, корпоратив бошқарув кодекси, бозор улуши.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАКТИКИ ОЦЕНКИ КОРПОРАТИВНЫХ ДЕЙСТВИЙ В АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВАХ

Исмаилов Аллаёр Рашидович -
PhD Старший преподаватель Ташкентский
государственный экономический университет

Аннотация. В статье рекомендованы критерии и показатели оценки функционального качества корпоративного управления в связи с недостатками и проблемами, выявленными в практике оценки корпоративных действий в акционерных обществах, а также методологический подход к оценке эффективности деятельности корпоративного управления, акционерных обществ по хозяйственной, финансовой и рыночной деятельности.

Ключевые слова: оценка корпоративной эффективности, индекс корпоративного управления, состав совета директоров, размер совета директоров, финансовая прозрачность и внешний контроль, подотчетность, права акционеров, кодекс корпоративного управления, доля рынка.

IMPROVING THE PRACTICE OF EVALUATING CORPORATE ACTIONS IN JOINT-STOCK COMPANIES

Ismailov Allayor Rashidovich -
Tashkent State University of Economics,
PhD (in economics)

Annotation. The article presents an analysis of the practice of evaluating corporate activities in joint-stock companies, based on the identified shortcomings and problems, criteria and indicators for evaluating the functional quality of corporate management and a methodological approach for evaluating the impact of the effectiveness of corporate management activities of joint-stock companies on the economic, financial and market activities are recommended.

Key words: corporate performance assessment, corporate governance index, composition of the board of directors, board size, financial transparency and external control, accountability, shareholder rights, corporate governance code, market share.

Кириш. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир саноат тармоғидаги корпоратив секторни муваффақиятли ривожлантириш учун самарали замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш лозим. Корпоратив бошқарув самарасизлиги бизнес фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик вазифалари бажарилмаслигининг асосий сабабларидан биридан. Шунга кўра, Ўзбекистонда сўнгги йилларда акциядорлик жамиятларида корпоратив ҳаракатларни баҳолашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Халқаро амалиётда корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш бўйича қўплаб усул ва ёндашувлар мавжуд. Корпоратив тузилмаларга эга саноат корхоналарида кенгашларнинг самарасиз фаолияти бир қатор муаммоларни юзага чиқариши мумкин. Инқирозга ҳисса қўшувчи асосий омиллар қаторига қуйидагилар киради: кенгашларнинг бошқарувдаги ҳиссаси сезилмаслиги; нотўғри маълумотлар оқими; вазият ва хавфларни етарлича тушунмаслик; кенгашнинг юқори раҳбарият устидан етарлича назорат қилинмаганлиги; мураккаб ташкилий тузилмалар. Бундай заифликлар натижасида акциядорлик жамиятлари ўз кенгашлари томо-

нидан мисли кўрилмаган даражадаги юқори хавф-хатарли бизнес стратегияларини ўз ичига олган ҳаддан ташқари таваккалчиликларни қабул қилишга рухсат берилди, ҳатто, рағбатлантирилди.

Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштириш, мулкий муносабатларни тартибга солиш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш борасида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида “Мулкий хукуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш” бўйича устувор мақсадлар белгилаб берилган [1].

Маълумки, корпоратив бошқарувнинг асосий элементлари жамиятларнинг бошқарув тузилмаси, яъни Директорлар кенгаши ёки Кузатув кенгашлари фаолиятидир. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлиги эса Директорлар кенгашининг (Кузатув кенгашининг) жамиятдаги ижроия органлари раҳбарлари билан ўзаро муносабатлари ҳолати, уларнинг таркиби, муносабатлар ва зиддиятли вазиятларни юмшоқ ҳал этиш механизмлари, фаолият билан боғлиқ муаммоли масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилиш схемаларига боғлиқ.

2006 йилда Буюк Британиядаги молиявий хизматлар саноатини тартибга солувчи орган ҳисобланган Financial Services Authority (FSA) ҳамда Базель қўмитаси томонидан Кенгашлар фаолиятини баҳолаш бўйича бир қатор мезонлар киритилган.

Акциядорлик жамиятини бошқариш учун Башқарув кенгаши ва раҳбарият ўртасида юқори даражадаги ўзаро боғлиқлик мавжуд, шунинг учун улар ўртасида мувозанат мавжуд бўлиши керак. Ташкилот мақсадларини амалга ошириш ва корпорация фаолияти самарадорлиги корпоратив бошқарув самарадорлигига боғлиқ [2].

Корпоратив бошқарувни баҳолашнинг асосий ёндашувларидан бири рейтинг баҳолаш ҳисобланади. Молиявий бозорларни Standard & Poor's компанияси GAMMA (корпоратив бошқарув (Governance), ҳисобдорлик (Accountability), бошқарув ва таҳлил (Management, Metrics & Analysis)) рейтинги асосида баҳолайди. GAMMA методологиясининг таркибий қисмлари қуидагилардан иборат: «акциядорларнинг таъсiri»; «акциядорларнинг хукуқлари»; «шаффофлик, аудит ва корпоратив рискларни бошқариш тизими»; «директорлар кенгаши ишининг самарадорлиги, стратегик жараён ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизими». Бу амалиётда 2011 йилдан бошлаб, корпоратив бошқарувни баҳолашдан

кредит рейтингларини белгилашда кредит таҳлилиниг бир қисми сифатида баҳолашга ўтган [3].

Корпоратив бошқарувни баҳолашнинг GMI (Governance Metrics International) асосий элементлар таркибидан Директорлар кенгаши таркиби тўғрисидаги қонунчилик, молиявий шаффофлик ва ташқи назорат, акциядорлар хукуқлари, мулкчилик тузилмасини бозор орқали назорат қилиш имконияти, ижроия органларининг ваколатлари ҳамда Корпоратив хулқ кодексининг мавжудлиги ўрин олган.

Акциядорлик жамиятларининг Кузатув кенгаши жамият фаолиятининг стратегик қарорлар қабул қилиши ва ўз мулкидан самарали фойдаланиш жараёнлари назоратини амалга оширади. Директорлар кенгаши корпоратив бошқарувдаги асосий субъект ҳисобланади, акциядорлар учун қўшимча қиймат яратиш ва компаниянинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига кўра, Директорлар кенгаши ташқи маслаҳатчини жалб этган ҳолда ўз фаолияти самарадорлигини мунтазам равишида баҳолаб бориши керак.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикасида ҳам корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини шакллантириш, илмий-услубий асосларини яратиш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқарув соҳасида амалга оширилган илк илмий тадқиқотлар иқтисодчи-олимлар томонидан амалга оширилган. Акциядорлик жамиятларида корпоратив ҳаракатларни баҳолаш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўз тадқиқотларида ва халқаро конференцияларда фикр ва муҳозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан акциядорлик жамиятларида корпоратив ҳаракатларни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив ҳаракатларни баҳолашнинг ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари ўз даврларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтилган.

Д.С.Тагавердиеванинг тадқиқотларида корпоратив бошқарув сифатини баҳолашнинг этalon билан таққослаш усули, бенчмаркинг тизими асосида баҳолаш, капитал қийматини аниқлаш усули, мулкнинг якуний қийматини аниқлаш усули, корпоратив бошқарув сифати бўйича жозибадор инвестицион кўрсаткичлар асосида баҳолаш методологиялари таклиф этилган [4].

И.С.Румянцев томонидан корпоратив бошқарув самарадорлигини миқдорий баҳолаш методологияси таклиф этилган. Методологик ёндашувда акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиявий натижалар асосида ва бозор қиймат-

лари ортиб бориши асосида аниқлаш бўйича математик аппарат таклиф этган [5].

Н.А.Волкова тадқиқотларида корпорациянинг корпоратив бошқаруви самарадорлигини баҳолаш модели ҳар бир корхонанинг иқтисодий хусусиятларини ҳам, унинг ходимлари сифат таркибини ҳам ҳисобга олган ҳолда иқтисодий кўрсаткичлардан шаклланувчи таркибий қисмлар тизими сифатида баҳоланиши лозимлиги эътироф этилади [6].

Н.В.Городнова тадқиқотларида давлат иштирокидаги корпоратив тузилмаларни бошқариш тизими варианtlарини қиёсий жуфтлик билан баҳолаш методологияси ва алгоритмини таклиф этади [7].

Ўзбекистон Республикасида ҳам корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини шакллантириш, илмий-услубий асосларини яратиш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқарув соҳасида амалга оширилган илк илмий тадқиқотлар А.Каримов, Б.Беркинов томонидан амалга оширилган. А.Каримов тадқиқотлари корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни тақомиллаштиришга қаратилган [8].

Б.Беркинов тадқиқотлари корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизmlарини тақомиллаштириш асосида корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашга қаратилган [9].

Корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини чукур ўрганиб чиқиб, уларнинг негизини ташкил этувчи назариялар ва концепцияларни ўрганиб, мавжуд тенденцияларни аниқлаб, Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимида жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар Д.Суюнов томонидан амалга оширилган. Д.Суюновнинг фикрига кўра, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича саволномадан корпоратив бошқарув кодексини жорий этишга тайёргарлик жараёнларини баҳолаш бўйича саволларни тўлиқ чиқариб ташлаш зарур [10].

Н.Расулов томонидан саноат тармоқларида шаклланган корпоратив бошқарув тизимлари ва уларнинг инновацион ривожланишга таъсирини ўрганишга қаратилган фикрлар келтирилган. Унинг фикрича, корпоратив тузилмаларнинг инновацион салоҳияти, бошқарув самарадорлиги давлат томонидан самарали ва изчил амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати, хусусий мулкчилик соҳасидаги ислоҳотлар, ривожланган хориж тажрибасини татбиқ этиш ҳамда инновацион жараёнларни янада фаоллаштиришга боғлиқ [11].

З.Ашуров томонидан корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иктисодий механизми ва уни тақомиллаштиришга қаратилган тадқиқот-

лар олиб борилган. Унинг асосий илмий натижалари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

миноритар акциядорларнинг акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш хукуқини таъминлаш;

акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг “comply or explain” халқаро тамоилларини киритиш;

корхоналарда корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иктисодий механизми давлат акция пакетларини салоҳиятли хорижий инвесторларга сотишнинг ташкилий механизmlарини ишлаб чиқиш;

акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув органларининг корпоратив бошқарув ташкилий-иктисодий механизмини тақомиллаштириш учун унинг функциялари доирасида бажариши лозим бўлган вазифаларни аниқлаш [12].

Тадқиқот методикаси. Акциядорлик жамиятларида корпоратив ҳаракатларни баҳолаш амалиётини тақомиллаштириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, қиёсий солишириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Директорлар кенгашлари ташкилотнинг стратегияси, раҳбарият қарорлари, меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги ва умумий иш фаолиятини бошқарувчи, назорат қилувчи ва бошқарувчи тизим ва жараёнларни назорат қилиш учун жавобгардир. Кенгаш самарадорлиги кўпинча акциядорларга даромад, инвестиция даромади ёки активлар рентабеллиги самарали кенгашлар сингари молиявий кўрсаткичлар нуқтаи назаридан баҳоланган. Акциядорлик жамиятларида корпоратив муваффақиятсизликлар, корпоратив низолар ва самарасиз бизнес ўзгаришлари учун жавобгарлик бошқарув кенгашининг самарасиз ишлаши билан боғлиқ [13].

Акциядорлик жамиятларида кенгаш йиғилишини ўтказиш шарт қилиб белгилаб берилган бўлса-да, уни энг камида неча марта ўтказиш фақат жамиятлар уставларида белгилаб берилади. Шундай қилиб, бошқарув кенгashi йиғилишлари сонининг таъсирини киритиш учун қўғирчоқ ўзгарувчидан фойдаланилди. Агар компания бир йилда тўртдан ортиқ бошқарув йиғилишини ўтказган бўлса, соҳта ўзгарувчилар «1» қийматини олади, акс ҳолда «0». Кенгаш ҳажми сингари кенгаш йиғилишлари ҳам кенгаш тузилиши учун вакил ўзгарувчилардан бири сифатида қўлланилади.

Корпоратив бошқарув индексини (CGI) яратишида ҳар бир механизмга тайинланган миқдорий қиймат бундай механизм учун асосий ўзгарувчиларнинг оддий ўртача қиймати сифатида қабул қилинади. Бундан ташқари барча механизmlар умумий шкалага келтирилди, шундай қилиб, якуний тузилган CGI қиймати 0 ва орасида бўлади.

Ҳар бир компания учун CGI унинг беш таркибий механизмининг ўртача оғирлиги сифатида ҳисобланади. Маълумотлар тўплами-нинг кўндаланг кесимли ва вақт серияли ўлчамларини ўз ичига олган панель маълумотлар баъзасидан эконометрик таҳлил учун панель маълумотлар регрессиясининг статик ва динамик версияларидан фойдаланиш тавсия этила-

ди [14]. Статик панель маълумотларини баҳолашнинг бир қисми сифатида биз Гужарати ва Wooldridge томонидан муҳокама қилинган событ эфектлар (СЭ) моделидан фойдаланамиз. Бу модель Поолед ОЛС модели билан солиштирганда яхшироқ, чунки у турли индивидуал объектлар (компаниялар) ўртасида кузатилмаган хатоликларни ўз ичига олишга ҳарарат қиласи. Бу ҳар бир компания учун ҳар хил бўлган дифференциал кесишиш атамаси шаклида олинади. СЭ моделини баҳолаш учун вақтга боғлиқ ва тушунтириш ўзгарувчилари ёрдамида қатъий таъсирларни (кузатилмаган ҳетероженлик) бартараф этувчи машҳур трансформациядан фойдаланамиз:

$$Y_{i,t} - \bar{Y} = \beta X_{i,t} - \bar{X} + (v_{i,t} - \bar{V})$$

1-жадвал

Корпоратив бошқарувнинг функционал сифатини баҳолаш бўйича мезонлар ва кўрсаткичлар

№	Ўзгарувчилар	Ўзгарувчиларнинг тўлиқ номи	Мазмуни
А-блок. Акциядорлик жамиятларининг молиявий-иктисодий фаолияти самарадорлигини акс этирувчи кўрсаткичлар – яширин ўзгарувчилар			
1.	UKR	Устав капиталининг рентабеллик коэффициенти	
2.	TQK	Умумий тўловга лаёқатлиликни қоплаш коэффициенти	
3.	MLK	Мутлақ ликвидилик коэффициенти	
4.	MR	Ўз маблағларининг жалб этилган маблағларига нисбати коэффициенти	
5.	QMR	Эмитент маблағларининг қарз маблағларига нисбати	
В-блок: Корпоратив бошқарув фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсакичлар (яширин ўзгарувчи)			
6.	KH	Кенгаш ўлчами	Кузатув кенгаши аъзолари сони
7.	KM	Кенгаш мажлислари	Йиллик кенгаш мажлислари сони
8.	KQ	Кенгаш қарорлари	Кенгашга киритилган масалалар ёки қарорлар сони
9.	KK	Кенгаш мажлисларидағи ўртача кворум	Йиллик кенгаш мажлисларининг кворумлари ўртача миқдори ҳисобга олинади
10.	KA	Кенгаш аъзолари	Кенгаш аъзолари таркибида мустақил аъзоларнинг улуси
11.	KAU	Сайланган кенгаш аъзоларининг жами акциялар улуси	Кузатув кенгаши таркибидаги жами аъзоларнинг жами акциялар пакетидаги умумий улуси
12.	IKA	Мулкий тақсимот	Акциядорлик капиталида институционал мулқдорлар улуси
13.	KRF	Кенгаш раисининг фаоллик коэффициенти	Жами ўтказилган Кенгашларда шахсан сайланган раис иштирок этган кенгашлар улуси
С-блок: Акциядорлик жамиятининг бозор фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар – яширин ўзгарувчи			
14.	MS	Бозор улуси	Республикадаги шу тармоқда яратилган маҳсулот ҳажмида АЖнинг улуси
15.	R&D	Инновацион фаолият	Жами маҳсулот таркибида инновацион маҳсулотлар улуси
16.	MR	Менежмент самарадорлиги	Корхонанинг жами харажатлар таркибида бошқарув харажатларининг улуси

Изоҳ: Ушбу индикаторлар АЖларнинг мавжуд иктиносий ҳисоботларига мос келиши эътиборга олинган.
Манба: муаллиф ишланмаси.

Таклиф этилган кўрсаткичлар тизими – акциядорлик жамиятлари фаолият самарадорлигига ўзаро таъсири ва боғлиқликлари статистик таҳлиллар асосида амалга оширилади. Келтирилган 3 та блок кўрсаткичлар тизимининг 1

ва 3-блоклари бўйича баҳолаш амалиёти Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимида кенг тарқалган. Айнан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш йўналишлари ҳам так-

лиф этилган, 1 ва 3-блок кўрсаткичларига деярли мос келади.

Танлаб олинган индикаторлар 3 та блокка ажратилган ва жами 16 та хусусиятга кўра баҳоланади. Шунга кўра тегишли блокларнинг салмоқ коэффициентларини (W) аниқлаш талаб этилади, булар:

А блок. Акциядорлик жамиятларининг молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар баҳоси (Y_{ij}).

В блок. Корпоратив бошқарувда кенгашлар фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар (D_{ir}).

$$R_t = [W_1 * Y]_{ij} + [W_2 * D]_{ij} + [W_3 * r]_{ij} \quad (2.2)$$

Бунда, $0 \leq W_n \leq 1$ да бўлиб, уларнинг ийфиндиси бирга teng, $W_1 + W_2 + W_3 = 1$

Салмоқ коэффициентлари корпоратив бошқарув сифатини баҳолаш учун танланган

$$\begin{aligned} K &= W_1 j + W_2 r + W_3 e = 5+8+3=16; \\ W_1 &= 1/16 * 5 = 0,32; \quad W_2 = 1/16 * 8 = 0,5; \quad W_3 = 1/16 * 3 = 0,18; \end{aligned}$$

Иккинчи формулага салмоқ коэффициентларини кўйиб, қуидаги ёзамиш:

$$R_t = [0,32 * Y]_{ij} + [0,05 * D]_{ij} + [0,18 * r]_{ij} \quad (2.3)$$

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда корпоратив бошқарувнинг функционал сифатини баҳолашда акциядорлик жамиятларининг молиявий-иқтисодий фаолиятини салмоқ коэффициентлари ($W=0,32$), кенгашлар фаолияти ($W=0,5$) ва бозор фаолияти самарадорлигини акс эттирувчи ($W=0,18$) мезонлар асосида баҳолаш таклиф этилади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланган, дунё миқёсида тан олинган энг яхши корпоратив бошқарув амалиёти нуқтаи назаридан Директорлар кенгashi компаниянинг корпоратив бошқарув тизими асосий элементи бўлиб, унинг фаолияти унинг бутун самарадорлигига ҳал қилувчи таъсири кўрсатади.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувда Кенгашларни баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш ва бу борада баҳолаш ўтказиш тадқиқотимизнинг мақсади сифатида қаралган. Халқаро амалиётда корпоратив бошқарув бўйича мутахассислар Кенгаш фаолиятини баҳолашнинг тўртта ёндашувини ажратиб кўрсатадилар: норасмий ёндашув, расмий ёндашув, ишончга асосланган ёндашув ҳамда тизимли ёндашувлар.

Юқоридаги ўзгарувчилар асосида корпоратив бошқарув сифатининг акциядорлик жамиятлари фаолият самарадорлигига таъсири ва боғлиқларни статистик таҳлиллар асосида амалга оширилади. Хорижий адабиётлар шарҳида аниқланади, А-блок акциядорлик жамият-

С блок. Акциядорлик жамиятининг бозор фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар (r_{ij}).

Корпоратив бошқарувнинг функционал сифатини баҳолаш формуласи таклиф этилади:

$$R_t = Y_{ij} + D_{ij} + r_{ij} \quad (2.1)$$

Танланган мезонларнинг ҳар бири корхоналар учун турли даражада таъсири кўрсатади деган мулоҳаза келтирилади ва салмоқ коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда (2.1) формула куидаги тартибда ёзилади:

омилларнинг қай даражада таъсири кўрсатишини белгилаб берувчилардир.

Салмоқ коэффициентлари ўрганилаётган сифат мезонлари сонига кўра аниқланади (Комиллар сони), бунда:


ларининг молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш Кузатув кенгashi фаолияти, ижрои орган аъзолари ва менежерлар фаолиятига бевосита боғлиқ (1-расм). Шунга асосланганда қуидаги гипотезани киритади:

H1-Кузатув кенгashi фаолияти АЖларнинг молиявий иқтисодий фаолият самарадорлигига ижобий таъсири мавжуд;

H2-Акциядорлик жамиятининг бозор фаолияти самарадорлиги унинг молиявий иқтисодий фаолият натижаларига боғлиқ. Мальумки, молиявий-иқтисодий натижаларга ижро органининг самарали фаолияти натижалари сифатида қараш лозим;

H3-Акциядорлик жамиятининг бозор фаолияти самарадорлиги корпоратив бошқарув фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, яъни кенгаш фаолияти самарадорлигига таъсири мавжуд;

Статистик мальумотлар Молия вазирлигининг ягона корпоратив ахборот портали ҳисобланган <https://openinfo.uz/uz/> сайтида акциядорлик жамиятлари фаолияти бўйича ҳисоботлар жамланади. Шунингдек, акциядорлик жамиятларининг чораклик ва йиллик ҳисоботлари жамлаб борилади. Акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув сифатининг бозор фаолияти самарадорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида чораклик ҳисоботлардан фойдаланилади.



1-расм. АЖлар корпоратив бошқарув фаолияти самарадорлигининг иқтисодий-молиявий ва бозор фаолиятига таъсирини баҳолаш бўйича методологик ёндашув

Сабаби танланган методологик ёндашув бўйича кузатилувчи статистика имкон қадар кўпроқ панель маълумотларидан тузилган бўлиши лозим. Шунга асосланиб, биз акциядорлик жамиятларининг чораклик ҳисботларидан фойдаланишни таклиф этдик. Корпоратив бошқарув сифатини баҳолаш бўйича мезон ва кўрсаткичлар бўйича барча ахборотларни жамлаш имконияти мавжуд бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Акциядорлик жамиятларида корпоратив ҳаракатларни баҳолаш амалиётини тақомиллаштириш асосида корпоратив бошқарув органларининг стратегик бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш имконини беради.

1. Акциядорлик жамиятларининг Кузатув кенгаши жамият фаолиятини умумий бошқариш ва унинг стратегиясини белгилашда ўз ва-зифаларини самаравали бажаради.

2. Акциядорлик жамиятларининг Кузатув кенгаши фаолиятини баҳолаш бўйича корпоратив бошқарув тизимида кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш уларнинг стратегик қарорлар қабул қилиши учун масъулиятини оширади.

3. Кузатув кенгаши йиғилишларининг акциядорларнинг ижро органлари фаолиятига таъсирининг мотивацион механизмларини яратишга хизмат қиласди.

4. Кузатув кенгашининг стратегик муҳим қарорлар қабул қилиши бўйича аниқ кўрсатмаларни ишлаб чиқиш имкониятини таъминлайди.

5. Акциядорлик жамиятларининг молиявий иқтисодий фаолият самарадорлигига ижобий таъсирини оширишга хизмат қиласди.

6. Акциядорлик жамиятлари ижро органининг самаравали фаолияти ва унинг бутун самарадорлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

7. Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш, уларда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш ва тақомиллаштиришни таъминлайди.

8. Корпоратив тузилмаларда корпоратив бошқарувнинг функционал сифатини баҳолашда акциядорлик жамиятларининг молиявий-иқтисодий фаолияти, кенгашлар фаолияти ва бозор фаолияти самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичларга ажратилган мезон ва кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиш бошқарувнинг институционал ва функционал механизмларидаги асосий муаммоларни аниқлаш имкониятини беради.

9. Ижроия органи (бошқарув ва бош директор) фаолияти самарадорлигини баҳолашда танлаб олинадиган самарадорликдаги энг муҳим кўрсаткичларнинг (СМК) мувозанатини таъминлаш ва уларнинг умумий кўрсаткичларини шакллантиришда ўрнини белгилаш жараёнларини тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

10. Корпоратив бошқарувнинг функционал сифатини баҳолаш бўйича мезонлар ва кўрсаткичларни шакллантиришда молиявий кўрсаткичлардан ташқари бизнес жараёнлари, мижозлар билан муносабатлар, персонални ривожлантириш жиҳатлари ҳам қамраб олиниши мақсаддага мувофиқ,

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" фармони.
2. Corporate Governance, Christine A. Mallin. OXFORD University Press, www.oup.com, ISBN 978-0-19-928900
3. Standard & Poor's. [Electronic resource]. – Mode of access: https://ru.wikipedia.org/wiki/Standard_&_Poor's. – Date of access: 31.08.2020
4. Тагаевердиева Д.С. Методы оценки эффективности корпоративного управления. // Russian Journal of Economics and Law. 2012. №2 (22). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/metody-otsenki-effektivnosti-korporativnogo-upravleniya> (дата обращения: 10.05.2022).
5. Румянцев И.С. Анализ количественных методов оценки эффективности корпоративного управления в современных российских условиях. // Вестник ЧелГУ. 2011. №31. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-kolichestvennyh-metodov-otsenki-effektivnosti-korporativnogo-upravleniya-v-sovremennyh-rossiyskikh-usloviyah> (дата обращения: 10.05.2022).
6. Волкова Н.А. Модель оценки уровня эффективности корпоративного управления. // Статистика и экономика, 2018. № 2. С. 49-58.
7. Городнова Н.В., Хайкин В.З. Методика оценки эффективности корпоративного управления интегрированными структурами с государственным участием. // Вестник УГТУ-УПИ. Серия экономика и управление, 2009. № 2. 2009. Т. 2. С. 23-32.
8. Каримов А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни токомиллаштиришининг асосий ўйналишлари. 08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳжил ва аудит». Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т., 2008.
9. Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). – Т.: Изд-во Нац. б-ки Узбекистана им. А.Навои, 2005. – 132 с.
10. Суюнов Д., Хошимов Э. Корпоратив бошқарув моделлари: концептуал жиҳатлар, замонавий тенденциялар ва конвергенция имкониятлари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2017 йил; Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2006. – 116 б.
11. Расулов Н. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқарииш услубиётини токомиллаштириши. 08.00.13 – "Менежмент (иқтисодиёт фанлари)". Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2020 й.
12. Ашурев З. Акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини токомиллаштириши. 08.00.13 – "Менежмент" ихтиносиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. – 72 б.
13. Babić V.M., Nikolić J.D. and Erić J.M. Rethinking board role performance: towards an integrative model. Econ. Ann. 2011, 16, 140-162. doi: 10.2298/EKA1190140B
14. Varshney A., Kaul V. and Vasal V. Corporate governance index and firm performance: Empirical evidence from India. 2012. (pp. 1-35). Retrieved from SSRN. <http://ssrn.com/abstract=2103462> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.2103462>.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ МАДАНИЯТНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ



doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a39

Акрамова Назокат Исраиловна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Менежмент ва маркетинг кафедраси
катта ўқитувчиси

Аннотация. Глобаллашув шароитида акциядорлик жамиятларининг соғлом рақобатда ютиб чиқиши учун самарали корпоратив бошқарув элементларини татбиқ этиши компанияларнинг рентабеллигини оширишган хизмат қиласи. Компаниялар ўз фаолият турни, хусусиятига қараб индивидуал корпоратив маданиятни татбиқ этади. Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларида корпоратив маданиятнинг функционал жиҳатлари концептуал мазмунини тизимлаштириши ва акциядорлик жамиятларидаги ижтимоий муаммолар ва низоларнинг олдини олиш ҳамда ресурс имкониятлари ўрганилади. Акциядорлик жамиятларида корпоратив маданиятни аниqlашга турли хил омилларнинг таъсири кўриб ўтилади. Миллий корпоратив бошқарув тизимини иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида корпоратив кодексга мос равишда янада токомиллаштириши ҳамда акциядорлик жамиятларида корпоратив маданиятни шакллантириши бўйича тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишибдан иборат.

Калим сўзлар: корпоратив маданият, корпоратив бошқарув, ходимнинг қониқиши, компания миссияси, ташкилий хулқ, трансформация, компания самарадорлиги, акциядорлик компанияси, рақобатбардошлиқ, сўровнома, бошқарув органлари, рақамлаштириши.